

Кредитнинг тўлиқ қиймати

(рақам ва сўз билан ёзилади)

## Пенсия овердрафт кредити шартномаси

ш.

“\_” 20 йил.

Бундан бўён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки номидан 20 йил “\_” даги \_\_\_\_\_ -сонли ишончнома асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ филиали раҳбари \_\_\_\_\_ бир томондан, ҳамда бундан бўён матнда “Қарз олувчи” деб юритилувчи 19 йил “\_” да \_\_\_\_\_ туғилган, ҳозирда \_\_\_\_\_ да истиқомат қилувчи, \_\_\_\_\_ йил “\_” да \_\_\_\_\_ томонидан берилган \_\_\_\_\_ серияси \_\_\_\_\_ рақамли паспортга эга бўлган фуқаро иккинчи томондан, ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

### 1. Шартнома предмети

**1.1.** Банк Қарз олувчига “Овердрафт-кредит” бериш мажбуриятини, Қарз олувчи эса олинган кредит маблағини белгиланган муддатда қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

### 2. Кредит шартлари

2.1. Кредит суммаси \_\_\_\_\_ сўм.

(сўз ва рақам билан ёзилади)

2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати \_\_\_\_\_.

2.3. Асосий кредит ва кредиттаги ҳисобланган фоизлар тўлови ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов жадвали (1-иловаси)га мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Кредит бўйича йиллик фоиз ставкаси \_\_\_\_\_;

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

**3.1.1.** Мазкур шартномага асосан кредит ажратади.

**3.1.2.** Бунда, Банкнинг ушбу шартнома бўйича кредит ажратиш мажбурияти, кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартиба тўлиқ расмийлаштирилган ва Банк томонидан олингандан (ипотека бўлган ҳолларда - ипотека шартномаси қонунда белгиланган тартиба расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва гаровга қўйилган мулк мажбурий тартиба суғурталангандан сўнг) сўнг юзага келади.

**3.1.3.** Мижозга бериладиган кредит ва унинг маблағи қолдиғини ҳисобга олиш учун овердрафт ҳисоб рақамини очиш.

**3.1.4.** Кредитнинг муддатидан олдин үндирилиш факти ва сабабларини Қарз олувчига маълум қилиш.

#### 3.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

**3.2.1.** Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ва микдорда тўлаб бориш;

**3.2.2.** Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамоиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, тўловлилик ва таъминланганлик талабларига риоя қилиш;

**3.2.3.** Мазкур шартнома кучда бўлган даврда ва Қарз олувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлса, Банкни олдиндан ёзма хабардор қиласдан, Қарз олувчи бошқа банклардан ҳамда товар кредити берувчи ташкилотлардан кредит ва қарз олиш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўлмаслик;

**3.2.4.** Қарз олувчининг яшаш манзили, фамилияси, исми ўзгарганда 10 кун муддат ичida Банкни ёзма равишида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиш;

**3.2.5.** Халқ банкининг “Contact center” операторлари қўнғироқларига хушмуомалалик билан жавоб бериш ва мулоқатда бўлиш ҳамда СМС хабарларини ижобий қабул қилиш;

**3.2.6.** Телефон рақами ўзгарган ҳолларда, зудлик билан Банкни хабардор қилиш. Бунда, телефон рақами ўзгарган кундан бошлаб икки иш кунида Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Банкни хабардор қилиши лозим.

**3.3. Қарз оловчи қўйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:**

**3.3.1.** Қарз оловчи олингандан кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлиги учун фоизларни ўз муддатида тўлаш, яъни ушбу шартнома шартларини лозим даражада бажариш мажбуриятини олади.

**3.3.2.** Кредитни расмийлаштириш ва олиш учун Банкка тақдим этилган/этиладиган барча ҳужжат ва маълумотлар, уларни тақдим этиш вақтида ҳақиқий ва ишончлилигини тасдиқлайди.

**3.3.3.** Ушбу шартнома бўйича кредит қарздорликлар ўз вақтида тўланмагандан, унинг сўндирилиши юзасидан амалий ёрдам сўраб, Қарз оловчининг яшаш жойидаги МФЙ ва яқин қариндошларига Банк томонидан ёзма мурожаат қилинишига ўз розилигини беради ҳамда бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

**3.3.4.** Қарз оловчининг ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши, Қарз оловчининг мазкур шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига белгиланган жавобгарлигини келтириб чиқаради.

**3.4. Банкнинг ҳуқуқлари:**

**3.4.1.** Шартнома амалда бўлган даврда, Қарз оловчини тўловга лаёқатсизлик ҳолатлари аниқланганда, Қарз оловчи томондан кредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда ҳамда Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарз оловчи томонидан кредитдан 2 ойдан кўп муддат давомида фойдаланилмагандан ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш;

**3.4.2.** Кредитлаш жараёнида ажратилаётган кредитта тегишли бўлган ҳолатларни (кредитнинг таъминланганлиги, кредитта лаёқатлилиги ва бошқалар) таҳлил қилиш;

**3.4.3.** Қўйидаги ҳолларда Қарз оловчини бундан бўён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:

– кредит бўйича асосий қарз ҳамда унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларни шартномада белгиланган муддатни бузган ҳолда икки ва ундан ортиқ маротаба тўланмагандан;

– Қарз оловчи томонидан Банкка кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

– ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмагандан;

Бундай ҳолларда Банк 10 кун аввал Қарз оловчини ёзма равишда огоҳлантиради, Қарз оловчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан бўён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

**3.4.4.** Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз оловчининг мобил телефонига тўлов жадвалига мувофиқ тўловлар яқинлашаётганлиги ҳақида 10 кун олдин СМС хабарлар юбориш;

**3.4.5.** Қарз оловчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда, Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз оловчининг мобил телефонига СМС эслатмалар юбориш. Шунингдек, Қарз оловчи билан шахсан мулоқат олиб борган ҳолда тўловлар белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақида, ҳамда акс ҳолда Қарз оловчига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, шунингдек шу мазмунда СМС хабарлар юбориш.

**3.4.6..** Қарз оловчининг муддати ўтган Қарз оловчиликларини мажбурий равиша ундириш мақсадида, судга даъво аризаси киритилганлиги тўғрисида Қарз оловчининг мобил телефонига СМС хаборномалар юбориш.

**3.4.7.** Қарз оловчининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Марказий банкинг КАТМ базасига ва кредит бюроларга тақдим этиш ва олиш, бу ҳолат банк сирини ошкор қилиш деб ҳисобланмайди.

**3.5. Қарз оловчининг ҳуқуқлари:**

**3.5.1.** Олдиндан (\_\_\_\_ кун давомида) Банкни хабардор қилиб, кредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш.

**3.5.2.** Кредит бўйича қарздорликни ҳеч қандай жарималарсиз муддатидан олдин қайтариш.

3.5.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидағи ўзгаришлар ҳақида Банқдан маълумот олиш. Шунингдек, Халқ банкининг “Contact centri” орқали банкдан олинган кредит юзасидан тегишли маълумотларни олиш.

#### 4. Ҳисоб-китоблар тартиби

4.4. Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Банк кредит суммасини Қарз оловчининг ссуда ҳисоб рақами орқали, Қарз оловчининг пластик картасига пул ўтказиш йўли билан ўтказиб беради.

4.5. Қарз оловчи берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳибобланган тўлов жадвали (графики)да белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

4.6. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

4.7. Қарз оловчи шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича ҳисобланган фоизларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳисобидан (бошқалар) банк пластик карточкалари орқали амалга оширади. Аввал мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганиги сабабли ҳисобланган пеня, юқори фоиз ставкаси, фоизлар бўйича ҳисобланган қарздорлик, кейин кредит бўйича асосий қарзлар сўндирилади.

4.8. Мазкур Шартнома бўйича Банк ўз талабларини қаноатлантириши учун зарур бўлган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 783-моддасига асосан, Қарз оловчининг ҳисобварағида (яъни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари, банк пластик картаси ҳамда омонат ҳисобварағларида ва бошқаларда) турган пул маблағларини тўлов талабномаси ёки мемориал ордер орқали сўзсиз (акцептсиз) тартибда Қарз оловчининг розилигисиз ечиб олиш орқали кредит қарздорлигини қоплашга ҳақли.

4.9. Кредит бўйича асосий қарз қолдиғи ва шартнома шартларига асосан фоиз қарздорлиги мавжуд бўлганда, мижознинг шахсий пластик картасига маблағ кирим қилиниши билан олинган кредитнинг қарздорликларини сўндириш учун маблағ Қарз оловчининг пластик картасидан унинг топшириғисиз сўзсиз (акцептсиз) тартибда кўчириб (ундириб) олинади.

#### 5. Кредит қайтарилишининг таъминланиши

5.4. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит \_\_\_\_\_  
(кафиллик) билан таъминланади.

5.5. Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредит олиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатлар, хусусан кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилгандан ва у Банк томонидан олингандан сўнг кучга киради.

#### 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.4. Қарз оловчи томонидан асосий қарзни қайтариш муддати кечикирилганда (муддати ўтган кредит), Қарз оловчи Банкка бутун кечикирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз 1,2 баравар оширилган миқдорида юқори фоиз тўлайди.

6.5. Қарз оловчи томонидан фоизлар тўловларини тўлаш кечикирилганда, Банкка кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Мазкур шартномада белгиланган муддатда Банк томонидан кредит линиясини очиб бериш кечикирилганида, Банк Қарздорга кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 10 фоиздан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.7. Тарафларни пеня ва оширилган фоиз ставкасини тўлаши, уларнинг асосий мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.4. Томонлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган келишмовчилик ва низоларни ўзаро музокара ва маслаҳатлар йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қиласилар.

7.5. Агарда кўрсатиб ўтилган келишмовчилик ва низолар ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан Фуқаролик ишлари бўйича судида ҳал этилади.

#### 8. Бошқа шартлар

8.4. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва рарафлар ўз макжбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажргунга қадар амалда бўлади.

8.5. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.6. Ушбу шартнома бекор қилинишида Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

8.7. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

8.8. Томонларнинг манзиллари ўзгарган ҳолларда 10 кун муддат ичидаги албатта бир-бирларини ёзма равишда, тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилишлари шарт.

8.9. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

#### 9. Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

Банк	Қарз олувчи
АТ Ҳалқ банки _____ филиали	Ф.И.Ш.
Манзил:	Манзил:
х/р	
МФО	
СТИР:	СТИР:
"Contact center" алоқа тел.рақами: (71) 210-20-02  _____  (Ф.И.Ш., лавозим, имзо)  _____  (бош бухгалтер Ф.И.Ш., имзо)  _____  (юрисконсульт Ф.И.Ш., имзо) муҳр, сана _____. й.	Тел.рақами: _____  _____  (имзо)  сана _____. й.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_ даги  
сонли Пенсия овердрафт кредити  
шартномасига  
1-илова

Пенсия овердрафт кредити шартномаси бўйича  
ажратилган кредит қарздорлиги тўловлари жадвали (графики)

Муддатли мажбуриятлар бўйича кредит суммаси (сўз ва рақам билан)	Кредит ва фоизларни тўлаш санаси
1.	
2.	

Банк	Қарз олувчи

<p>(лавозим, ФИШ ва имзо)</p> <p>(бош бухгалтер Ф.И.Ш., имзо)</p> <p>мүхр, сана ____ ___. й.</p>	<p>(ФИШ ва имзо)</p> <p>сана ____ ___. й.</p>